2024-yil 23-may // payshanba // № 64 (4972)

Yurt taraqqiyoti yo‘lida birlashaylik!

# Ishonch

• O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi nashri
• Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan




## Гуллар байрамига марҳабо!



Наманган вилояти

**Фестиваль**

## Наманганда 63-халқаро гуллар байрами – нафосат фестивали қизғин тусга кирди.

Байрамнинг тантанали очилиш маросимида турфа табиий гуллар билан безалган 200 дан ортиқ ҳар хил русумли автомашиналар карвони Наманган халқаро аэропортидан марказий кўчалар бўйлаб, Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғигача бўлган 10 километрдан зиёдроқ йўлни босиб ўтди.

Байрам муносабати билан ўтган йили Наманганга 4,5 миллион нафар юртдошимиз ҳамда 52 та мамлакатдан 200 минг нафарга яқин гул ихлосманди келган бўлса, бу йилги байрам давомида 7 миллион сайёҳ ташрифи кутилмоқда.

Фестиваль доирасида бу йил 45 миллион дона гул экилди, шу билан бирга, ландшафт дизайнига ҳам ўзгача кўриниш киритилди. Асосий байрам тантаналари ўтказиладиган Заҳириддин Муҳаммад Бобур боғида композицияларга ҳам алоҳида эътибор қаратилган.

Ўтган галги айрим камчиликлар ҳисобга олиниб, бу йил фестивални кўришга келувчи меҳмонлар учун алоҳида шароитлар яратилди. Асосан уй меҳмонхоналари сони кўпайтирилди. Учта катта шаҳарда янги меҳмонхона ишга туширилди. Истироҳат боғи атрофидаги барча йўллар кенгайтирилиб, янги автотурар-гоҳлар ташкил этилди. Қолаверса, пиёдалар йўлакчаларига кўпроқ эътибор қаратилди. Гул байрами доирасида сайилгоҳлар сонини ошириш мақсадида 45 гектар майдонда «Янги Ўзбекистон» боғи ҳам барпо этилди.

Шу ўринда қисқа рақамларга эътибор қаратадиган бўлсак, ўтган йили фестивалдан умумий овқатланиш, хизмат кўрсатиш, меҳмонхона сингари бир қатор йўналишлар бўйича икки триллион тўрт юз миллиард сўм даромад қилинган бўлса, бу йил камида уч триллион сўмлик даромад олиш мақсад қилинган.

Бугун гуллар билан бурканган Заҳириддин Муҳаммад Бобур номидаги маданият ва истироҳат боғи, «Янги Ўзбекистон» боғи, «Афсоналар водийси» тематик парки гул шайдоларини мафтун этмоқда.

Гуллар байрамига марҳабо!

**Орзугул РУСТАМОВА**
*«ISHONCH»*
*Эъзоза УМРЗОҚОВА олган суратлар*

---

Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясида куну тун фаолият кўрсатадиган қисқа рақамли

**1211**

«Ишонч телефони», яъни «Call-center»га мамлакатимизнинг турли ҳудудларида, олис ва чекка қишлоқларида яшаётган хотин-қизлар ўз муаммолари бўйича исталган вақтда мурожаат қилишлари мумкин.



Фарғона вилояти

**Ўқув**

## ҲАР БИР КУН МАЗМУНЛИ ЎТСИН ДЕБ...




**Фарғонада Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти томонидан мавсумни кўнгилдагидек ўтказиш мақсадида ўқув-семинар уюштирилди.**

Унда Департамент тасарруфидаги болалар соғломлаштириш оромгоҳлари раҳбарлари, тарбиячи ва етакчилар иштирок этиб, мавсумни эсда қоларли ва болажонларга манзур бўладиган даражада ўтказиш бўйича зарур маълумот ва тавсияларга эга бўлдилар.

Мавсум давомида оромгоҳларда ўғил-қизларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этиш, уларнинг ҳар бир кунини таассуротларга бой ўтиши учун тадбирлар режаси ишлаб чиқилган. Унда болажонларнинг ҳар бир куни, ҳар бир соати мазмунли ўтишига алоҳида аҳамият берилган. Ўқувчиларнинг китобга қизиқишини ошириш, уларда мутолаа маданиятини юксалтириш мақсадида ҳар бир оромгоҳда кутубхона ташкил этилиб, болалар учун мўлжалланган газета ва журналлар, бадиий адабиётлар, эртак китоблар билан таъминланади. Маданий-маънавий тадбирлар, кўнгилочар ўйинлар, турли тўгараклар фаолияти ва спорт мусобақалари ёзги таътилни соғинган болажонларни асло зериктириб қўймайди.

– Яна саноқли кунлардан кейин оромгоҳлар очилади. Шунга монанд оромгоҳимизда кенг кўламли ишларни амалга оширдик, – дейди «Водий гавҳари» оромгоҳи раҳбари Умида Фармонова. – Аввало, ётоқ бинолари, машғулот хоналари, ошхона керакли жиҳозлар билан таъминланди. Шунингдек, сув тизими янгиланди. Сирасини айтганда, жорий мавсумга жиддий ҳозирлик кўрилди. Ташкил этилган ушбу ўқув-семинардан дам олувчи ўғил-қизларнинг ҳар бир кунини эсда қоларли ўтказиш бўйича керакли маълумотларни олдик. Дастур бўйича болажонларнинг ҳар бир куни мазмунли ўтишига ишонамиз.

**Жамшид ЭРГАШЕВ**
*«ISHONCH»*

---

Хоразм вилояти



## ОРОМГОҲЛАР МАВСУМ УЧУН ТАЙЁРМИ?

**Болаларнинг дам олишини ва соғломлаштирилишини ташкил этиш департаменти Хоразм вилоятида оромгоҳлар раҳбарлари, катта тарбиячи, тарбиячи ва етакчилар учун ўқув-семинар ўтказди.**

Унда мутахассислар томонидан оромгоҳлар фаолиятини 12 кунлик намунавий дастур асосида йўлга қўйиш бўйича тегишли тавсиялар берилди. Болаларнинг оромгоҳдаги ҳар бир куни қизиқарли ва мазмунли ўтиши кераклиги, уларнинг маънавиятини юксалтириш, иқтидорларини рўёбга чиқаришга алоҳида эътибор қаратиш зарурлиги таъкидланиб, тиббий маданиятни юксалтириш, спорт-соғломлаштириш машғулотларини олиб бориш тартиблари тушунтирилди.

Ёз мавсумида оромгоҳларда фаолият кўрсатувчи хоразмлик мутахассислар ушбу семинардан янги билим ва кўникмага эга бўлишганини эътироф этдилар.

**Муҳаббат ТЎРАБОЕВА**
*«ISHONCH»*

---

Келгуси сонларда ўқинг...

?

**Жавобини кутаётган саволлар...**

**Таълимдаги оқсоқлик Уни қачон тўлиқ бартараф этамиз?**

**Машҳур ЁЛҒОНЛАР**

Андижон вилояти



*Мурожаат ва натижа*

# ТАШВИШЛАРИМ ОРТДА ҚОЛДИ

**Избоскан туманидаги «Бештерак» маҳалласида яшовчи Шоирахон Жабборова миқтигина жуссаси билан турмуш машаққатларини мардонавор енгиб яшаётган матонатли аёллардан бири. Турмуш ўртоғи 4 йилдан бери жигар циррози билан оғрийди, I гуруҳ ногирони ҳисобланади. Фарзандларининг тўнғичи Оятилло 7-синфда, Шодиёнахон 2-синфда ўқийди. Муҳаммадаюб 3 ёшда, қайнотаси эса II гуруҳ ногирони.**

Шоирахон болалар тарбияси билан шуғулланиш, рўзғор юмушларини бажаришдан ташқари, фермер ва ижарачи деҳқонларга дала ишларида кўмаклашиб, тирикчилигини юритарди. Бундан сал олдин эса Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерациясининг «Хотин-қизлар муаммолари бўйича 1211 рақамли «Ишонч телефони»га (Call-center) қуйидаги мазмунда мурожаат қилди:

«Аёллар дафтари»га киритилганман. Кредит олиш ниятида Бештерак маҳалласидаги ҳоким ёрдамчисига мурожаат қилдим. У тавсиянома ёзиб берди. Лекин Халқ банкининг Избоскан филиали кредит бўлими ходими «Навбатингиз келмади» деб, кредит шартномасини имзоламай, мени овораю сарсон қилмоқда. Бу масалада ёрдам сўраб туман прокуратурасига ва сектор раҳбарига мурожаат қилдим. Барибир фойдаси бўлмади. Сизлардан мурожаатимни назоратга олишингизни ва амалий ёрдам кўрсатишингизни сўрайман».

Бу арзнома мутасадди ташкилотларга юборилгач, 4 кун ичида Шоирахон 33 миллион сўм миқдорида кредит олди. Харид қилган соғин сигири айни кезларда рўзғорига барака киритмоқда. У бундан руҳланиб, келгусида асалари боқишни ҳам йўлга қўймоқчи. Демак, умр йўлдошини даволатиш имконига ҳам эга бўлади. Шу боис эндиликда у ҳаётга ўзгача кўз билан қарамоқда. Чунки қалбида эртанги кунга ишонч уйғонган.

– Илтимосим тез орада ижобий ечим топиб, ташвишларим ортда қолди. Бундан жуда хурсанд бўлдим. «Ишонч телефони»га мурожаат қилганларнинг муаммоси эътибордан четда қолмаслигига қатъий ишонч ҳосил қилдим, – дейди у мамнуният ила.

**Анваржон ҲАЛИМОВ**
*«ISHONCH»*

Бухоро вилояти

*Ўзбекистон касаба уюшмаларининг 120 йиллиги олдидан*

# МЕН АНГЛАГАН ҲАҚИҚАТ

**Фаолиятимнинг 22 йили касаба уюшмалари тизимида ўтди. Бу давр менинг хотирамда ўзига хос ёрқин из қолдирган. Уларни ҳар гал ўйлаганимда, таҳлил қилганимда касаба уюшмаларининг нақадар муҳим ташкилот эканини англаб бораверaман.**

### БИРИНЧИ ҚОНУН

Мамлакатимиз мустақилликка эришган дастлабки йилларда касаба уюшмалари фаолиятини таҳлил этишга эҳтиёж пайдо бўлди. Сабаби меҳнаткашларнинг иқтисодий-ижтимоий ҳимоялаш масалаларига эътиборни кучайтириш зарур эди. Шу боис биринчилардан бўлиб «Ўзбекистон касаба уюшмалари ва уларнинг фаолияти тўғрисида»ги қонун қабул қилинди. Ушбу қонун доирасида корхона ва ташкилотларда иш берувчилар ва касаба уюшмалари ташкилотлари ўртасида жамоа шартномалари тузилди. Уларда ишчи ходимларга яратиладиган меҳнат шароитлари, ҳақ-ҳуқуқлари масалалари ўз аксини топди. Ушбу шартномаларнинг бажарилиши икки томонлама комиссиялар назоратида бўлди.

Бухоро вилоятида кўплаб корхона ва ташкилотлар ҳиссадорлик, акциядорлик жамиятларига айлантирилди. Кўпгина янги ташкил этилган корхона раҳбарлари касаба уюшмасини тузмаслик учун ҳаракат қилар эдилар. Шунга қарамай, ҳар бир корхонада юқорида келтирилган қонун доирасида касаба уюшма ташкилотлари тузилишига эришилди. Баъзи соҳа тармоқ касаба уюшмалари тузилмалари эса қисқартирилди, ўзгартирилди, янги тизим яратилди, фаолиятда ёндашув ва талаблар ўзгарди. Янгидан ташкил этилган ҳар бир корхона, ташкилот ва бошқа муассасаларда касаба уюшмалари тузилиб, ишчи ходимлар аъзоликка жалб қилинди. Меҳнаткашлар учун асосий мотивация жамоа шартномаси саналарди. Сабаби талаб ва тавсияларга биноан жамоа шартномаларида меҳнат муҳофазаси, иш шароитлари, иш ҳақи тўлаш, ижтимоий-ҳуқуқий масалалар ўз аксини топган эди. Вилоятда биринчилардан бўлиб вилоят ҳокимлиги, касаба уюшмалари бирлашмаси ва савдо-саноат палатаси ўртасида битим тузилди.

Жамоа келишувлари ва жамоа шартномалари орқали муносиб меҳнат шароитларини яратиш, меҳнат муҳофазаси, бандликни таъминлаш, дам олиш ва соғломлаштириш, меҳнатга ҳақ тўлаш, ижтимоий имтиёз ва кафолатлар белгилаш масалалари йўлга қўйилди. Янгича меҳнат муҳофазасига ўтиш даврида ишлаб чиқаришда жароҳат олганларга компенсация тўловларини ундириш, иш берувчи ва ходим ўртасида меҳнат шартномасини ноқонуний бекор қилиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди. Сабаби бундай ҳолатлар йил сайин ортиб бораётган эди. Касаба уюшма бирлашмаси тизимида меҳнатни муҳофаза қилиш ва меҳнаткашлар ҳуқуқий манфаатларини ҳимоялаш бўлимлари фаолият юритиб, ҳар бир ҳолатни чуқур ўрганиб, ишчи-ходимлар, аъзолар манфаати ҳимояланарди.

### ЗИДДИЯТ

Бирлашма кенгаши фаолиятида энг зиддиятли муаммо иш ҳақларининг ўз вақтида тўланмаслиги масаласи эди. Иш ҳақидан муддати ўтган қарздорлик вужудга келишининг асосий сабаби нақд пулнинг йўқлиги, буюртмачи ва бажарувчи ташкилотлар ўртасида кредитор-дебиторлик қарзларнинг мавжудлиги эди. 2005 йилда иш ҳақидан қарздорлик 988,3 миллион сўмни ташкил этди. Иш берувчиларга 2005-2009 йилларда 435 та талабнома, 182 марта маҳаллий ҳокимият органларига мурожаат, прокуратура ҳамда банк муассасаларига тегишли хатлар юборилди. Етти марта муддати ўтган қарздорликни ундириш юзасидан суд органларига шикоят аризаси киритилди. Натижада 853,2 миллион сўм миқдорида муддати ўтган иш ҳақидан қарздорлик ундирилиб, ишчи-ходимларга берилди.

Касаба уюшма аъзоларининг оиласи ҳамда фарзандларини соғломлаштириш, болалар оромгоҳларида дам олдириш масалалари ҳам бизнинг эътиборимиздаги асосий масала эди.

Ўша пайтларда вилоятда битта «Моҳихоса» санаторийси, учта йирик санаторий-профилакторий, бир нечта болалар оромгоҳи фаолият юритган.

### ТАЪЗИМДАМАН

Аввал ҳам айтганимдек, меҳнат фаолиятимнинг сўнгги 22 йили касаба уюшмалари тизими билан боғлиқ. 19 йил давомида бирлашма раисининг ўринбосари вазифасида меҳнат қилдим. Шу даврлар устозларимдан билим ва тажриба орттирдим. Менга билдирган ишончи, берган илми учун ҳамиша миннатдорман. Бирлашма кенгашининг собиқ раиси Шариф Хайруллоев, Саида Сайфуллаева, шунингдек, касаба уюшма тизимида ишлаган М.Ёқубов, Х.Бақоев, Н.Бозорова, Э.Саъдуллаев, Р.Ғаниев ва бошқа кўплаб устозларимга бошим ерга теккунча таъзимдаман. Юбилей тантаналари олдидан, албатта, уларни эслаш, меҳнат фаолиятига бир назар ташлаш жоиз деб ўйлайман.

### БУГУН

Касаба уюшмалари фаолияти янада кенгайди, нуфузи ва мавқеи ошди. 11 ноябрь – Ўзбекистон касаба уюшмалари куни этиб белгиланди. Янги қонун қабул қилинди. Албатта, тизим фаолларининг кенг миқёсдаги фаолияти ва интилиши самараси ўлароқ, Янги Ўзбекистонда янгича меҳнат муносабатлари шаклланишига, шу орқали юртдошларимиз турмуш даражаси яхшиланишига эришилмоқда. Тизим фидойилари юрт равнақига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқдалар.

Буларни кузатиб борар эканман, бугунги кунлардан мамнун бўламан. Шундай улуғ соҳада – одамларга наф келтирадиган тизимда ишлаганимдан фахрланаман.

**Аҳад ЖУМАЕВ,**
*Касаба уюшма фахрийси*

Сирдарё вилояти

*Рағбат*



**– Бу жамоада ишлаётганимга 30 йилдан ошди, – дейди «Оқолтин дон маҳсулотлари» корхонаси ишчиси Адолатхон Шодмонбоева. – Тегирмон цехида қоп тикаман. Ишим ўзимга ёқади. Ходимларга кўрсатилаётган эътибор яхшилиги боис чин дилдан ишлаймиз. Албатта, меҳнат қилган инсон роҳатини ҳам кўрар ва ҳурматда бўларкан. Мен «Ўздонмаҳсулот аълочиси» кўкрак нишони билан тақдирланганимда астойдил қувондим.**

# МЕҲНАТ ҚИЛГАН РОҲАТИНИ КЎРАДИ

Корхона ишлаб чиқариши ривожланишида навбатчи уста Абдумурод Турсунқуловнинг ҳам муносиб ҳиссаси бор. Ўттиз йилдирки, у шу ерда ишлаб, рўзғорини тебратади. Ҳозир фарзандларини олий ўқув юртларида ўқитмоқда. Тақдирланганлар сафидан у ҳам ўрин олган.

«Ўздонмаҳсулот» акциядорлик компанияси бошқаруви ва Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмаси республика кенгашининг кўкрак нишонига тегирмон цехи элакчиси Вали Сиддиқов, элеватор цехи навбатчи устаси Абдумурод Турсунқулов, бизнес ривожини стратегик режалаш бўйича бош иқтисодчи Гулчеҳра Маматқулова ва ишлаб чиқариш бўйича вақтинча директор вазифасини бажарувчи Алишер Равшанов ҳам муносиб кўрилди.

1987 йилда ташкил топган бу корхонанинг асосий хомашёси буғдой бўлиб, у аҳолини ун ва ун маҳсулотлари билан таъминлайди. Жамоада 155 нафар киши аҳил-инoқ ва ҳамжиҳат бўлиб ишлайди.

– Унумли меҳнат қилишимиз учун корхонамизда ҳамма шароитлар яратилган, – дейди бошланғич касаба уюшма қўмитаси раиси Илҳом Каримов. – Республика бўйлаб саёҳат, тарихий қадамжоларни зиёрат қилиш яхши йўлга қўйилган. Ишчи-ходимларнинг ҳаммаси фидойи. Уларга иш кийимлари бепул берилади.

«Ўздонмаҳсулот аълочиси» кўкрак нишонини ўз эгаларига топшириш маросими байрамга айланиб кетди. Тақдирланганларга базавий ҳисоблаш миқдорининг 4 баробари миқдорида пул мукофоти ҳам берилди.

**Қаршибой ЭШНАЗАРОВ,**
*Агросаноат мажмуи ходимлари касаба уюшмасининг Гулистон шаҳар кенгаши раиси*

Тошкент шаҳри

*Спорт*

# ҒОЛИБЛИК МУНОСИБЛАРГА НАСИБ ЭТДИ

**Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши Тошкент молия институтида тасарруфдаги таълим муассасаларининг педагог-ходимлари ўртасида спорт мусобақаси ташкил этди.**

«Соғлом танда – сифатли таълим» шиори остида ўтган тадбирда жамоалар ва иштирокчилар спортнинг мини-футбол, шахмат-шашка, стол тенниси ҳамда волейбол турлари бўйича ўзаро беллашдилар.

Айтиб ўтиш жоиз, ҳар бир баҳс ўз йўналиши бўйича кескин ва муросасиз кечди. Барча жамоалар ғалаба учун астойдил ҳаракат қилишди, аммо ғолиблик муносибларга насиб этди.

Ҳакамларнинг якдил ва адолатли қарори билан ғолиб деб топилганлар мутасаддиларнинг I, II, III даражали диплом, медаль ва қимматбаҳо совғалари билан тақдирланди. Энг яхши натижа кўрсатган Чилонзор тумани жамоаси Касаба уюшмаси кубогини қўлга киритди.

– Мазкур мусобақаларни ўтказишдан кўзланган асосий мақсад – ташкилот ва муассасаларда фаолият кўрсатаётган ходимлар орасида соғлом турмуш тарзини тарғиб қилиш, – дейди Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Тошкент шаҳар кенгаши раиси Абдуҳалил Раҳмонов. – Тадбирларни сифатли ва юқори савияда ташкил этишда тармоқ касаба уюшмасининг ўрта ва қуйи бўғинлари фаоллик кўрсатмоқда.

**Амир АҲМЕДОВ**

*Тадбир*



# СИЗДАН МУДОМ МИННАТДОРМИЗ!

**Шайхонтоҳур тумани мактаб ва мактабгача таълим бўлими, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси туман кенгаши томонидан меҳнат фахрийлари эъзозланди.**

Шу мақсадда 192-умумтаълим мактабида ташкил этилган тадбирга 86 нафар меҳнат фахрийси ҳамда таълим муассасаларида фаолият юритаётган 5 нафар афғон уруши қатнашчиси таклиф этилди.

Туман мактаб ва мактабгача таълим бўлими бошлиғи Баҳром Бакиев, Таълим ва фан ходимлари касаба уюшмаси Шайхонтоҳур тумани кенгаши раиси Дилнора Ўлмасовалар соҳада амалга оширилаётган ишлар хусусида сўзлаб беришди.

Қатнашчиларга эсдалик совғалари топширилди. Шунингдек, тадбирдан сўнг бир гуруҳ фахрийларнинг ҳолидан хабар олинди.

**Раъно МАҲКАМОВА**
*«ISHONCH»*

Наманган вилояти

*Сиҳатгоҳларда*

# «КОСОНСОЙ»ГА КЕЛСАНГИЗ...

### *Танингиз яйрайди, кўзингиз қувнайди, кўнглингиз ором олади*

Дарвозадан киришингиз билан гўёки бошқа бир оламга келиб қолгандай ҳис этасиз ўзингизни. Шинам йўлакнинг ҳар икки биқинида салобат билан кўкка бўй чўзган кўркам арчалар қарши олади сизни. Дид билан ўтқазилган, атрофлари манзарали, ичкариси мевали дарахтлар билан безанган гўзал бир боғ намоён бўлади кўз ўнгингизда. Йўлаклардан борар экансиз, анвойи гулларнинг хушбўй ҳиди димоғингизга урилади, дилингизни яйратади, кўзингизни қувнатади.

Бу «Косонсой» санаторийси...

Айниқса, кейинги йилларда санаторий кўриниши тубдан ўзгариб, гўзал қиёфа кашф этди. Замонавий меъморчилик ютуқлари асосида қўшимча бинолар барпо этилди, ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш ишлари амалга оширилди. 200 ўринли ётоқхона, 4 та ҳар қайсиси 62 дам олувчига мўлжалланган коттеж бинолари қайтадан таъмирланди. 200 ўринли ошхона 350 ўринлига етказилди. Ташландиқ ҳолга келиб қолган 200 ўринли клуб қайта қурилиб, дам олувчиларнинг кўнгилочар масканига айлантирилди.



Ҳозирги пайтда умумий майдони 15 гектарни эгаллаган сиҳатгоҳ ҳудудида 4000 тупдан зиёд турли хилдаги манзарали дарахтлар атрофга чирой бағишлаш билан бир қаторда, сиҳатгоҳга мусаффо ҳаво бахш этяпти. 3000 тупдан ортиқ мевали дарахтлар ҳосили санаторий меҳмонлари дастурхонини безаётир.

– 3 гектар майдонда ёрдамчи хўжалигимиз бор, – дейди «Косонсой санаторийси» масъулияти чекланган жамияти директори Абдуллахон Қаландаров. – Унда ҳам кўплаб мевали ва манзарали дарахт кўчатлари билан бир қаторда, иссиқхона барпо этганмиз. Бу ерда қишин-ёзин турли хилдаги сабзавот ва кўкатлар етиштирамиз. Шунингдек, қорамолчилик ва қуёнчилик фермалари ташкил этиб, парҳез гўшт, сут ва қатиқ маҳсулотларини ошхонамизга етказиб беряпмиз.

Санаторий ўз музейи ва кутубхонасига эга. Музейдаги экспонатлардан ҳудуд тарихи, Косонсойда туғилиб ўсган тарихий шахслар, ёзувчи ва шоирларнинг суратлари, улар ҳақида маълумотлар, сиҳатгоҳнинг бугунги куни ва истиқболи ҳақидаги маълумотлар ўрин олган. Кутубхонада эса кўп минг нусхада китоблар, ўнлаб газета-журналлар тахламлари бор. Дам олувчилар бўш вақтларида бу ерга келиб, китоб мутолаа қиладилар, газета-журналлар ўқиб, ҳордиқ чиқарадилар.

Дам олувчилар бўш вақтларини кўнгилли ўтказишлари учун турли хил кўнгилочар тадбирлар, концертлар ва тарихий жойларга саёҳатлар уюштирилмоқда. Сиҳатгоҳдаги спорт ўйинлари майдончалари, ёзги очиқ сув ҳавзаси, сауна-бассейн дам олувчилар хизматида.

Сиҳатгоҳ бинолари орасидан ўтган кўркам йўлаклар сизни маъданли булоқ томон бошлайди. Улкан қоя бағридаги ҳовузда зилол сув мавжланиб турибди. Сувда балиқлар сузиб юрибди. Булоқ биқинидаги тошлардан сув сизиб чиқяпти. Қўлингизга тутиб, шу илиққина сувдан бир ҳовуч ҳўпласангиз чанқоғингиз дарҳол босилиб, вужудингизга мадор ингандай бўлади. Булоқ этагида эса қадимий Косонсой шарқираб оқади. Сойнинг шарқираши қулоғингизга ёқимли мусиқа товушини олиб келади. Унинг қоятошлардан иборат қирғоқларига назар ташлар экансиз, кўз ўнгингизда гўзал бир афсонавий манзара жонланади. Тепаликда эса баланд-паст қир-адирлар ястаниб ётибди.

Дам олувчилар билан суҳбатлашамиз.

– Бу масканга ўн икки йилдан буён келаман, – дейди Самарқанд вилоятининг Оқдарё туманидан келган 76 ёшли меҳнат фахрийси Бердирасул Ёқубов. – Ҳар келганимда нафақат даво, балки қувват ҳам олиб кетяпман. Санаторийнинг шифобахш суви, мусаффо ҳавоси инсон танасини яйратиб юборади.

– Осмонга сал булут ораласа оёқларимда кучли оғриқ пайдо бўларди, – дейди Фарғона вилоятининг Фурқат туманидан келган II гуруҳ ногирони Муқимжон Эгамбердиев. – Шифокорлар менга бу ерга келиб, даволанишни тавсия қилишди. Тўғри маслаҳат беришган экан. Бир неча кунлик муолажалардан сўнг оёқларимдаги оғриқ йўқолди. Маслаҳат берганларга ҳам, маскан ходимларига ҳам раҳмат!

Шунингдек, Андижон вилоятининг Пахтаобод туманидан 82 ёшли Хосиятхон Пирмаматова, бекободлик Муяссар Аҳмедова, самарқандлик Солиҳа Нарзиева ва Анорхол Раҳматовалар ҳам сиҳатгоҳдаги шарт-шароитлардан, шифокорлар ҳамда ишчи-хизматчилар хизматидан хурсанд эканликларини айтдилар.

Ҳеч нарса изсиз қолмайди. Кези келганда, шуни алоҳида қайд этиш керакки, санаторий жамоатчилигининг дам олувчиларга кўрсатаётган намунали хизматлари эътиборга олиниб, ўтган йили Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси томонидан «Энг яхши санаторий» дея эътироф этилган.

Шундай. Юртимизда инсон қадри улуғ. Буни биргина сиҳатгоҳ мисолида ҳам кўриш мумкин. Кўряпмиз ҳам...

**Ризо ХУДОЙҚУЛОВ,**
*Ўзбекистонда хизмат кўрсатган журналист,*
**Ойширин ХУДОЙҚУЛОВА,**
*журналист, меҳнат фахрийси*

Фарғона вилояти

# ХИВАГА САЁҲАТ

**Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси ташаббуси билан 54 нафар фидойи ишчи-ходим кўҳна Хивага олиб борилди.**

*Ички туризм*

Саёҳат давомида улар халқимизнинг қадимий тарихи ва маданий мероси билан яқиндан танишдилар. Шу билан бирга, диққатга сазовор жойларда бўлиб, бир олам таассуротлар билан қайтдилар.

**Манзурахон АКРАМОВА,**
*Маданият, спорт ва туризм ходимлари касаба уюшмаси Фарғона вилояти бирлашган қўмитаси раиси*





Самарқанд вилояти

*Бўлди ажаб ҳангомалар*




# СОЛИҚ ҚОНУНЧИЛИГИНИ БИЛМАГАН СОЛИҚЧИЛАР

## *ёхуд уларнинг хатолари жабрини тортган кекса тадбиркорнинг изтироблари*

Аслида бу оддийгина, юзма-юз ўтириб муҳокама қилса ва осонгина ечим топса бўладиган масала эди. Лекин ўз иши ва вазифасига совуққонлик билан қарайдиган, қуруқ расмиятчиликдан нарига ўтмайдиган айрим тўраларнинг лоқайдлиги туфайли у йилларга чўзилди. Оқибатда анча одамлар азият чекди, бир тадбиркорнинг бели букилиб, 12 ойдан ортиқ муддат мобайнида фаолияти тўхтаб қолди.

Дарвоқе, салкам саксон ёшни қоралаб қўйган, чорак асрдан ортиқ меҳнат стажига эга, 34 йилдан буён тадбиркорлик қилиб келаётган, сўнгги пайтларда ўзи очган «SHUKXRAT OROMI» масъулияти чекланган жамиятини бошқараётган Ислом Акрамов адолат истаб, идорама-идора кўп қатнади, амалдорлар қабулхоналари эшиги олдида соатлаб, кунлаб сарғайиб ўтирди. Бундан мақсади битта – солиқ тўловлари бўйича рўй берган чалкашликни бартараф этиш эди. Лекин бу даргоҳларда унинг дардини тинглайдиган, муаммони қонунан ўрганиб чиқиб, амалий ёрдам берадиган одам топилмади.

**2022 ЙИЛ ДЕКАБРЬ ОЙИ УЧУН ҚЎШИМЧА 165 МИЛЛИОН 212 МИНГ СЎМ МИҚДОРИДАГИ ҚЎШИЛГАН ҚИЙМАТ СОЛИҒИ ҚАЙД ЭТИЛГАН БЎЛСА-ДА, СОЛИҚ ТЎЛОВЧИНИНГ ВАЖЛАРИ НЕГА ИНОБАТГА ОЛИНМАГАНИ САБАБЛАРИ КЎРСАТИЛМАГАНДИ. БУ СОЛИҚ КОДЕКСИНИНГ 166-МОДДАСИГА ЗИД ЭДИ.**

– Вилоят ва республика солиқ идораларига беш марта расмий хат йўлладим, – дейди у куюниб. – Афсуски, шикоятларимга лоақал бир энлик жавоб беришмади. Оғзаки арзларимни эса батафсил эшитишмади. Фарзандларим, ҳатто невара ва эвараларим қатори йигитчаларнинг гоҳида дардимни остонада тик турганча тинглаб, охирида мени масхара қилгандай мийиғида кулиб қўйишлари юрагимга тиғдек ботди.

Ислом Акрамов бир неча йил касаба уюшмаларида ишлаган эди. Ўша кезлар «Бу даргоҳдан ҳеч ким норози бўлиб кетмаслиги керак!» деган шиор асосида фаолият юритувчи ушбу жамоат ташкилотидан баъзан хомуш ҳолда чиқиб кетганлар ҳам бўларди. Айни ҳолат жамоанинг ҳар бир ходими сингари Ислом аканинг ҳам юрагини эзарди. Чунки касаба уюшмалари, аввало, меҳнаткашлар ва уларнинг оила аъзоларигагина сиҳатгоҳларда ҳордиқ чиқаришлари ва саломатликларини тиклашлари учун имтиёзли йўлланмалар берарди. Аммо ишламайдиган, касаба уюшмасига аъзо бўлмаган кишилар ҳам худди шундай масканларда дам олгилари келарди. Бу ҳолатлар таҳлили Ислом Акрамовни айни йўналишдаги тадбиркорлик билан шуғулланишга ундади. 1990 йили у эзгу мақсадда «SHUKXRAT OROMI» МЧЖга асос солди. Ишни бошлагач, юртимизда мавжуд сиҳатгоҳлардан тижорат тарзида, аниқроғи, 23 фоиз устамаси билан йўлланмалар харид қилиб, дам олиш истагида бўлганларга етказиб бера бошлади. Шунинг баробарида икки-уч кишини иш билан таъминлади.

– Ортда қолган давр мобайнида ҳар йили 400-500 нафар киши ҳеч қандай оворагарчиликларсиз юртимиздаги гўзал ва хушманзара сиҳатгоҳларда мароқли дам олиб, саломатликларини мустаҳкамлашлари учун баҳоли қудрат ҳисса қўшдик, – дейди Ислом ака. – Касаба уюшмаларидан имтиёзли йўлланмалар олиш ҳуқуқига эга бўлмаганларнинг талаб-истаклари бўйича иш юритдик. Ташкилотимиз ва солиқ идоралари ўртасида илгари бирон-бир тушунмовчилик бўлмаганди. 2022 йилда эса солиқ тизимидаги ўзгаришлар асосида корхонамизга замонавий касса аппарати ўрнатдик. Янги тизимга мослаштирилган бу аппарат ундан ўтказилган барча маблағлардан 15 фоиз солиқ улушини ажратиб олишга мослаштирилган экан. Аслида биз сиҳатгоҳ йўлланмаларининг умумий қийматидан эмас, балки йўлланмалар баҳосига қўйилган устама ҳисобидан солиқ тўлашимиз лозим эди. Солиқ кодексининг 248-моддаси 13-бандида «Реализация қилишга доир айланмалар солиқ солинмайдиган айланмалар бўлган чипталар, абонементлар (жойсиз даволаниш учун берилган ҳужжатлар) ва хизматлар олиш ҳуқуқини берувчи бошқа ҳужжатлар реализация қилинган тақдирда, солиқ базаси солиқ суммасини ўз ичига оладиган, реализация қилиш нархи ва уларни сотиб олиш нархи ўртасида ижобий фарқ сифатида аниқланади», деб кўрсатилган. Бироқ солиқ идоралари томонидан 2022 йилда корхонамиз фаолияти Солиқ кодексининг ушбу моддаси ва банди билан эмас, балки 269-моддаси билан квалификация қилинди. Оқибатда, биз бўғзимизгача қарзга ботдик.

Табиийки, кўпни кўрган тадбиркор Ислом Акрамов юзага келган вазиятдан қаттиқ ташвишга тушди. Негаки, солиқ миқдорининг катталиги, йўлланмалар нархи кескин ошиб кетиши оддий одамларнинг муайян имтиёзлардан фойдаланиш ҳуқуқини чеклаб қўяётган эди.

Илҳом ака буни ва ўзи юритаётган тадбиркорлик воситачилик турига кириши боис имтиёзлар белгиланганини бир йил мобайнида солиқ ходимларига тушунтиришга қайта-қайта интилди. Бу орада солиқчилар томонидан МЧЖда камерал текширув ўтказилиб, унинг бўйнига 165 миллион сўмдан ортиқ солиқ қарздорлиги илиб қўйилди. Энг ажабланарлиси, тадбиркор негадир мавжуд вазият билан таништирилмади. Қарздорликни ундириш ҳаракатига тушган МИБ ходимларининг дўқ-пўписалари эса «дард устига чипқон» бўлди.

Бир йил давом этган тортишувлардан сўнг бу можаро Самарқанд Савдо-саноат палатаси ташаббуси билан Самарқанд туманлараро маъмурий судида кўрилди. Лекин суд тадбиркорни ноҳақ дея топиб, аризасини қаноатлантиришни рад этди. Вилоят маъмурий судининг апелляция инстанцияси ҳам, жорий йилнинг 16 январида бўлиб ўтган тафтиш инстанцияси суди ҳам бу ҳақдаги ҳал қилув қарорини ўз кучида қолдирди.

Алқисса, ноҳақликлардан безган даъвогар Олий суднинг маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъатига мурожаат қилишга мажбур бўлди. Бу ҳайъат эса олдинги судлар хулосаларини маъқул деб топмади. Сабаби, солиқ идораларининг низоли қарорига биноан, 2022 йил декабрь ойи учун қўшимча 165 миллион 212 минг сўм миқдоридаги қўшилган қиймат солиғи қайд этилган бўлса-да, солиқ тўловчининг важлари нега инобатга олинмагани сабаблари кўрсатилмаганди. Бу Солиқ кодексининг 166-моддасига зид эди.

Қолаверса, қўшилган қиймат солиғи реализация қилиш нархи ва уларни сотиб олиш нархи ўртасидаги ижобий фарқдан эмас, балки реализация қилиш қийматидан ҳисобланиши лозимлиги асослантирилмаганди. Қуйи судлар томонидан эса, шахснинг солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик айбини истисно этувчи ҳолатларни ёхуд солиққа оид ҳуқуқбузарлик содир этганлик учун жавобгарликни юмшатувчи ёки оғирлаштирувчи ҳолатларга аниқлик киритилмаган. Шунингдек, МЧЖни текшириш чоғида ҳисобланган маблағга солиқ тўловчи томонидан эътирозлар бўлгани ҳолда, текширув ҳужжатларини кўриб чиқишда жавобгарнинг иштироки таъминланмаган. Бу борада яна бир қатор камчиликлар бор эди.

Маъмурий ишлар бўйича судлов ҳайъати ана шу сингари хато-камчиликларни ҳисобга олиб, иш бўйича муқаддам чиқарилган барча қарорларни бекор қилди. Пировардида, адолат қарор топиб, тадбиркорнинг узоққа чўзилган сарсон-саргардонликларига чек қўйилди.

– Очиғини айтсам, олдинги судлар масалага ўта юзаки ёндашгани, ишни холисона ва одилона кўрмаганидан ҳафсалам пир бўлиб, ҳаммасига қўл силтагандим, – дейди Ислом Акрамов. – Аммо шунча йиллик меҳнатим, не-не машаққатлар эвазига очган хусусий корхонам завол топишини истамадим. Тўғри қилган эканман. Мана, энди ҳақиқат қарор топганидан мамнун бўлиб ўтирибман.

Ҳа, шундоқ, адолат букилиши мумкин, лекин синмайди. Аммо одамзод унга эришгунча гоҳида тутдай тўкилади. Ҳақиқатни тиклаш учун сарфланган вақтни эса ортга қайтариб, дарз кетган маънавиятни осонликча бутлаб бўлмайди. Бу оддий ҳақиқатни тадбиркорни беҳуда овораю сарсон қилиб, изтироблар чекишига сабабчи бўлган солиқ идораси ходимлари, ишни нохолис кўрган судьялар ҳам билишармикин? Билмасалар, уларнинг фаолиятига қонуний баҳо бериб, тегишли чора кўрадиганлар ҳам топилармикин?

Бизни масаланинг ана шу жиҳатлари ҳам қизиқтиради.

**Нурилла ШАМСИЕВ**
*«ISHONCH»*

*Сўранг, жавоб берамиз*

# ВАСИЯТНОМА ҚАНДАЙ ТАРТИБДА ТУЗИЛАДИ?

**САВОЛ:** *Васият, васиятнома деган тушунчаларга изоҳ берсангиз. Ушбу ҳужжат қачон, ким томонидан ва қандай тартибда тузилади?*

**Дилфуза ҚЎШОҚОВА**

*Учтепа тумани*

**ЖАВОБ:** Фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулк ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқи вафот этган тақдирда қай тартибда тасарруф этилиши хусусидаги хоҳиш-иродаси васият, деб эътироф этилади.

Васиятнома шахсан тузилиши лозим, унинг вакил орқали тузилишига йўл қўйилмайди. Фуқаро ўзининг барча мол-мулки ёки унинг муайян қисмини қонун бўйича меросхўрлар доирасига кирадиган, шунингдек, кирмайдиган бир ёки бир неча шахсга, шу билан бирга, юридик шахсларга, давлатга ёки фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органларига васият қилиши мумкин.

Васият қилувчи қонун бўйича меросхўрлардан бирини, бир нечасини ёки ҳаммасини изоҳ бермаган ҳолда меросдан маҳрум қилишга ҳақли. Мерос қолдирувчи ҳар қандай мол-мулк тўғрисидаги фармойишни ўз ичига оладиган васиятнома тузишга ҳақли.

Мерос қолдирувчи васиятнома тузилганидан кейин уни истаган пайтда бекор қилиши ёки ўзгартириши мумкин, у бунинг сабабларини кўрсатишга мажбур эмас.

Мерос қолдирувчи ўзи васиятномада меросхўр этиб тайинлаган шахсларга, ўз навбатида вафот этишлари эҳтимоли билан ўзларига васият қилинган мол-мулкни муайян тарзда тасарруф этиш хусусида кўрсатма бериш мажбуриятини юклашга ҳақли эмас.

Васиятнома шартли бўлиши ҳам мумкин, яъни васият қилувчи мероснинг олиниши учун меросхўр хулқ-атворининг хусусиятини қонуний равишда шарт қилиб қўйишга ҳақли.

Меросхўрни тайинлаш ёки ворислик ҳуқуқидан маҳрум этиш тўғрисидаги фармойишга киритилган шартлар ғайриқонуний бўлса, ҳақиқий деб ҳисобланмайди. Шунингдек, васиятномага киритилган бўлиб, меросхўр ўз саломатлигининг аҳволига кўра ёки бошқа объектив сабаблар туфайли бажара олмайдиган шартлар меросхўрнинг даъвоси бўйича ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

**Ҳуқуқ ва халқаро ҳаёт бўлими**

*Уйғоқ уй*



# «НЕГА ФАМИЛИЯМНИ ЎЗГАРТИРДИНГИЗ?»

**Яқинда бир гуруҳ ўқувчилар ўртасидаги ўзаро суҳбатга гувоҳ бўлдим:**
**– Кеча синфимизга директор ўринбосари кирди. Йўқлама қилиб бўлгач, Сардорни «Ибрагимов, нега кўп дарс қолдираяпсан?», деб койиди. Сардор ҳам бўш келмади, «Нима, дарс қолдираётган битта менми? ана, Раджабов ҳам ўқишга мунтазам қатнашмайди-ку», деди.**

Таҳририятга газетхонлардан келаётган мактубларда ҳам ғализликлар, имловий хатолар бисёр. Бу ҳам етмагандек, баъзан муаллифнинг исми-шарифи ҳам баҳс-мунозарага сабаб бўлади. Яъни айримлар: «Нега фамилиям ўзгартириб ёзилди, нима ҳаққингиз бор?» дея эътироз билдиришади.

Энди, ўзингиз бир ўйлаб кўринг. Шахсини тасдиқловчи ҳужжатда фамилияси Батирхўжаев деб ёзилган бўлса, биз ҳам айнан шундай ёзишимиз керакми? Бу баҳсда ким ҳақ? Агар газетада муаллифнинг фамилияси Батирхўжаев деб чиқса, биз унинг хатосини такрорлаган бўлмаймизми?

Эҳтимол, эътироз билдирадиган муаллифларда ҳам айб йўқдир. Бироқ «Қарс икки қўлдан чиқади»...

Афсуски, бундай кулгили ва қўпол хатолар ўтган аср бошларида ҳам кузатилган экан. Анчайин долзарб бу мавзуни бундан 110 йил илгари Маҳмудхўжа Беҳбудий омма эътиборига ҳавола қилган. У «Ойна» журналининг 1914 йил 18-сонида чоп этилган «Жаҳолат дардларидан» сарлавҳали мақоласида «Абсамат», «Обдурахмон», «Нутфулло» (Лутфулло), «Жодугор» (Ёдгор), «Патхулла»ларнинг исмлари ҳужжатлар ва ҳукумат маҳкамаларида шул ғалат ва масхаралик ҳолатда» дея жон куйдирган. Кишини ҳайратлантирадиган томони шуки, Беҳбудий яна юз йилдан сўнг содир бўладиган воқеликни ҳам ўз мақоласида келтириб ўтган: «Ажаб шулки, идорада ғалат ёзилиб келинган исмлар тўғри ёзиб юборилса, эгалари рози бўлмайдур»...

Ҳа, Беҳбудий олдинни кўра билган экан. Афсуски, бунга ҳаётий мисоллар кўп.

– Исм-шарифдаги имловий хатони тўғрилаш қийинчилик туғдирмайди, – дейди нотариус Лайло Рўзиева. – Туғилганлик тўғрисидаги гувоҳнома ва паспортнинг такроран берилиши ҳақида тегишли идораларга ариза ёзилади. Исм-фамилия ўзгартирилгандан кейинги юритиладиган ҳужжатларга шахсни тасдиқловчи ҳужжатнинг дастлабкиси ва ўзгартирилгани, шунингдек, ўзгартириш сабаби қайд этилган маълумотнома илова қилинади.

Эҳтимол, мутахассиснинг маслаҳати кимлар учундир югур-югур ва ортиқча оворагарчилик бўлиб кўринар. Бироқ қачонгача «Раджаб», «Мухаммед», «Касимов» ёки «Юлдашев» бўлиб юрамиз?

Хулоса ўзингиздан....

**Умид ХУДОЙҚУЛОВ,**
*журналист*

*Мулоҳаза*

# КРЕДИТ-МОДУЛЬ ТИЗИМИ

## *унга ўтишдан асосий мақсад нима?*



**Президентимиз 2019 йил 8 октябрда имзолаган «Ўзбекистон Республикаси олий таълим тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида»ги фармонида юртимиздаги камида ўнта олий таълим муассасасини халқаро эътироф этилган ташкилотлар рейтингининг 1000 та ўриндаги олий таълим муассасалари рўйхатига киритиш ва олий ўқув юртларидаги таълим жараёнларини босқичма-босқич кредит-модуль тизимига ўтказиш белгилаб берилган эди. Ҳозирги кунда кўплаб олий таълим муассасаларида бу имкониятдан фойдаланилмоқда ва у нафақат биринчи курс, балки юқори курс талабаларида ҳам катта қизиқиш уйғотмоқда.**

Хўш, кредит-модуль тизими нима ўзи?

Бу таълимни ташкил этиш жараёни бўлиб, ўқитишнинг модуль технологиялари жамланмаси ва кредит ўлчови асосида баҳолаш модели саналади. Унда иккита асосий нарсага эътибор қаратилади: биринчиси – талабаларнинг мустақил ишлашини таъминлаш, иккинчиси – талабалар билимини рейтинг асосида баҳолаш.

Кредит-модуль тизимининг асосий вазифалари ўқув жараёнларини модуль асосида ташкиллаштириш, битта фан, курс (кредит) қийматини аниқлаш, талабалар билимини рейтинг бали асосида баҳолаш, уларга ўқув режаларини индивидуал равишда тузишлари учун имконият яратиш, таълим жараёнида мустақил таълим олиш улушини ошириш, таълим дастурлари қулайлигини таъминлаш ва уларни меҳнат бозорида мутахассисга қўйилган талаблардан келиб чиқиб ўзгартиришдан иборатдир.

Ўқув режаларига мувофиқ, талабадан ҳар ўқув йилида 60, тўрт йилда жами 240 кредитни ўзлаштириши талаб этилади. Агар у белгиланган кредитни тўплай олмаса, унда кредит берилмаган фанларни тўлов асосида қайта ўзлаштириш имконияти мавжуд.

Шу ўринда «Хўш, ҳозир бу тизим ўзини оқлаяптими?» деган савол туғилиши табиий. Биз унга жавоб топиш мақсадида айрим мутахассис ва тизимдан фойдаланаётган олий таълим муассасалари талабалари билан суҳбатлашдик.

– Менимча, кредит-модуль тизими ривожланган давлатлар тажрибасидан келиб чиққан ҳолда ва самарали бўлгани боис бизда ҳам жорий этилмоқда, – дейди Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети халқаро журналистика факультети таълимнинг кредит тизимини бошқариш бўлими етакчи мутахассиси Зоҳид Зокиров. – Айни йўналишда ишлаётганим учун бемалол айта оламанки, ҳақиқатан ҳам, бу самарали ва мукаммал тизим. Лекин унга тўлиқ ўтиш жараёнида мазмун-моҳиятини яхши тушунмаслик оқибатида айрим хато-камчиликларга йўл қўйилиши, эътирозлар ва норозиликлар келиб чиқиши эҳтимолдан холи эмас. Бундай муаммолар пайдо бўлмаслиги учун эса олий ўқув юртларидаги соҳа мутахассислари, педагог-устозлар, раҳбарлар ва талабалар кредит-модуль ҳақида тўлиқ маълумотга эга бўлишлари, унинг талаб-қоидаларига қатъий риоя қилишлари лозим. Ана шунда биз унинг афзалликлари ва фойдали жиҳатларини янада теранроқ англаб етамиз.

Мазкур факультет ўқитувчиси Ф.Саидов эса дангалига ўтиб, ўз фикрини «Менинг назаримда, ушбу тизим ўзини мутлақо оқламаяпти» деган икки оғиз сўз билан баён этиб қўя қолди.

– Кредит-модулда талаба хоҳлаган фанини хоҳлаган вақтга қўйиши ва ўзи хоҳлаган ўқитувчини танлаши керак. Ҳа, танлаши керак! Айтинг-чи, бизда қайси олий таълим муассасасида бундай имконият бор? – дея саволимга савол билан жавоб қайтарди молия институти талабаси.

– Мен кредит-модуль тизимини фақат пул тўлаш деб тасаввур қиламан. Аниқроғи, биз етарлича кредит тўплай олмасак, қайтадан ўқиймиз. Фанни ва ўқитувчиларни ўз истагимиз бўйича танлаш каби эркинлик ҳам бизга бегонадек гўё, – деди университетимизда таҳсил олаётган Дилноза исмли талаба.

Албатта, танганинг иккинчи томони ҳам бор. Талабалар етарлича билимга эга бўлмай (белгиланган кредитларни тўпламай) туриб, кейинги курсга осонгина ўтиши адолатдан эмас. Акс ҳолда, бу нафақат ўзи ёки касбига, балки тинимсиз изланаётган гуруҳдошларига нисбатан ҳам адолатсизлик бўлади.

Шуни ҳам таъкидлаш жоизки, ҳар қандай янгилик ёки ислоҳотнинг илк даври камчилик-хатоларсиз кечмайди. Билим ва малаканинг шаклланиши эса таълим қанчалик ривожланганига бевосита боғлиқ. Демак, бу соҳага қандай тизим жорий этилишидан қатъи назар, биз унинг мазмун-моҳиятини чуқур билиб олишимиз, бошқаларга ҳам тушунтиришимиз ва режалаштирилган ишларни амалга оширишга киришишдан олдин эса унга нафақат масъул ташкилот-муассасалар мутасаддиларини, балки жамиятни ҳам тайёрлашимиз лозим!

**Муниса АБДУЛЛАЖОНОВА,**
*ЎзДЖТУ халқаро журналистика факультети талабаси*

*Огриқли нуқта*



# УЛАР тик туриб жон БЕРМАСИНЛАР



*Дарахтлар...*
*Кўкка тикилган мағрур дарахтлар!*
*Уларни йиқитмасдан ҳам йўқ қилиш мумкинми?*
*Дарахтлар ҳам тасбеҳ айтадими?*
*Дов-дарахтларсиз ҳаёт қандай кечади?*

**АЗАЛИЙ «АНЪАНА»ЛАР ҚАЧОН ТУГАЙДИ?**

Испаниялик таниқли драматург Алехандро Касанонинг «Дарахтлар тик туриб жон беради» номли асари бор. Ўқишга, уқишга арзигулик бу асарда бош қаҳрамон Эвхения тилидан инсон руҳияти ва унинг ўй-кечинмалари дарахтлар тимсолида жуда таъсирли тасвирланган. Аммо ҳозир гап бу ҳақда эмас...

Ҳеч аҳамият берганмисиз, ҳар йили экилаётган минг-минглаб, миллионлаб кўчатларнинг кўпи кўкармайди. Чунки улар меҳр билан парваришланмайди, қаровсизликдан, айни саратонда сувсизликдан қовжираб-қурийди. Аммо кўчат экиш «кампанияси» вақтида «тол»ни «терак» дейдиган масъуллар «...шунча экдик, яна бунча экамиз...», деб телевидениеда роса кўриниш беришади. Даврий нашрлар, ижтимоий тармоқлар суратли хабарлар ва лавҳаларга тўлиб кетади. Лекин орадан кўп эмас, бор-йўғи икки-уч ой ўтгач, кўчатларнинг неча фоизи кўкаргани билан ҳеч ким қизиқмайди!

Тўғри, ҳечдан кўра кеч бўлса ҳам, масъуллар бир неча йилдан бери ҳисобот бера бошлашди. Масалан, маълумотларга кўра, 2022 йилда салкам 2,5 миллион дона кўчат сувсизлик ва етарли даражада парвариш қилинмагани сабабли баҳорнинг ўзидаёқ кейинги кўкламни «кўрмайдиган» бўлган. Аммо бу ва кейинги йиллар учун бериладиган маълумотлар нечоғли тўғри? Очиғи, бу ҳақда бир нарса дейиш қийин. Чунки кўряпмиз, гувоҳ бўляпмиз, деярли ҳар йили М-39 ва бошқа йўлларнинг четларига, шунингдек, гектар-гектар майдонларга, ҳаттоки пойтахт ва бошқа шаҳарларнинг диққатга сазовор жойларига экилаётган кўчатларнинг кўпи қуриб қоляпти.

2021 йил 2 февраль куни бўлиб ўтган селектор йиғилишида давлатимиз раҳбари «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси ижроси бўйича барча даражадаги раҳбарлар зиммасига қатор вазифаларни юклаган эди. Ўша йиғилишда келгуси беш йилда, яъни ҳар йили 200 миллион (жами 1 миллиард) туб кўчат экиб, республикадаги яшил майдонлар ҳажмини 30 фоизга етказиш белгиланган эди.

Рақамларга эътибор берадиган бўлсак, ҳар йили юртимизда чакана кўчат экилмаяпти. Агар шу кўчатларнинг 70 фоизи кўкариб, «кун кўрса» борми, кўп ҳудудлар яшилликка бурканар эди. Афсуски...

Яқин-яқингача баҳорда қанча майдонга нечта кўчат экилгани ҳақида қуйидан юқорига қоп-қоп ҳисоботлар (суратлар билан) берилди. Аммо кейинчалик саратондан «эсон-омон» ўтиб олган кўчатлар тўғрисида лом-мим дейилмади. Нега?

Негаки, ҳисобдорлик йўқ, масъулиятсизлик бор эди. Ўша вақтларда ҳужжат қилмаслик – айримларга роса қўл келарди. Лекин кейинчалик сўров бошланиб, талаб кучайгач, айримлар азалий «анъана»га амал қилишди. Яъни қўшиб ёзиш бошланди. Маълумотларга кўра, 2022 йилда 6,2 миллион туп кўчат ҳисоботларга қўшиб ёзилган. Энг қизиғи, қўшиб ёзишга айрим ҳокимият, ички ишлар ва прокуратура ходимларининг ўзлари «бош-қош» бўлаётгани жуда ачинарли, албатта. Шу йилнинг апрель ойи бошида ижтимоий тармоқларда тарқалган хабарлар анча шов-шувларга сабаб бўлганди.

Яқиндагина матбуотда «127 миллион тупдан ортиқ дарахт экилди» сарлавҳали ҳисобот-хабар эълон қилинди. Ол-а...

Биринчидан, дарахт эмас, кўчат... Иккинчидан, 127 миллион туп... барибир, шубҳали. Шубҳа қилишга эса, юқоридаги мисоллар каби асослар етарли.

**«ЧЎПОН КЎП БЎЛСА...»**

Очиғи, кўчат экиш «қизғин кечаётган» жараёнлардан тайёрланган баъзи лавҳалар энсани қотиради. Яъни кўпи билан 40 та кўчат кетадиган жойга камида 60 та киши кўчат экаётган бўлади. Яъни, кўчатдан одам кўп. Шу жойда «чўпон кўп бўлса...» деган мақол ёдга тушади.

Мана, май ойи ҳам охирлаб қолди. Тунов куни кўчатлар экилаётгани ҳақидаги «тандирдан узилган» янги хабар ва лавҳаларга кўзим тушди. Тушунмадим, кўчат экишга энди кеч бўлди, шекилли...

Ўзи, кўчатлар қаерга, қачон ва қандай экилади? Мен мутахассис эмасман, аммо билганим шуки, кўчат фақат баҳорда экилмайди. Ниҳолларни кеч кузда, ҳаттоки (тажрибадан ўтган) қишда ҳам, иссиқроқ кунларда экса бўлади. Баҳорда эмас, айнан кеч кузда экилган кўчатлар ерга яхши жойлашиб, томири бақувватлашиб, деярли 100 фоиз кўкаради. Лекин биз нима қиламиз? Кўпроқ баҳорда ҳаракатга тушамиз. Дарахтлар барг ёзиб, ям-яшил бўлса ҳам, кўчатлар кўкариб кетса ҳам, қисқаси, кечиксак ҳам экаверамиз.

Мутахассисларнинг айтишича, энг аввало, танани тўлиқ озиқлантиришга томирнинг кучи етиши керак – етмаса, фойдаси йўқ. Шу боис кўп кўчатлар маълум миқдорда, ҳаттоки ярмидан кўп қисми кесилиб, сўнг экилади. Биз нима қиламиз? Икки-уч метрлик кўчатларга ҳам қайчи теккизмай, уларни ерга «санчиб» қўяверамиз.

Аслида кўчатларни ҳамма жойга ҳам экиб бўлмайди. Улар ҳам иқлим, жой, ер танлайди. Масалан, водийда етиштирилган кўчат воҳа иқлимига, тупроғига мос келмаслиги мумкин ёки аксинча. Бизга эса, фарқи йўқ. Яъни япроқ баргли дарахт кўчатлари қумли, қумоқ ерларга мос келмаса-да, уларни экиб қўяверамиз. Унумдор тупроқ ва намликни хуш кўрадиган кўчатларни шўр босган, сув келмайдиган, суғориш тизими йўқ жойларга ҳам ўтқазиб кетаверамиз. Маълумотларга кўра, 7,3 миллион туп кўчат суғориш тизимлари мавжуд бўлмаган ҳудудларга экилган.

Орамиздаги кўпчиликка «бетон» жойлар бегона эмас. У ерларда тупроқдан кўра, майда тошлар кўпроқ бўлади. Яна қурилиш, ободонлаштириш, йўлсозлик ишларидан сўнг, «дом»лар атрофида, кўчалар четида, катта йўллар ёқасида қум, шағал ва тошлардан, яъни ҳар хил қоришиқ ва қолдиқлардан иборат «қатлам» юзага келади. Биз кўра-била туриб ҳам, ўша жойларга экаверамиз, экаверамиз...

Ахир, бу ерларга кўчат экишдан олдин майин ва унумдор тупроқ олиб келиниб солиниши, суғориш тизими йўлга қўйилиши керак. Шундагина кўчатлар сонга кириши мумкин.

**ТЎРТ ОЁҚЛИЛАРНИНГ «ИККИ ОЁҚЛИ» ЭГАЛАРИ**

Биласизми, айримлар кўчат экиш «кампанияси» вақтида кўчатларни ўтқазиш эмас, «ўтказиш» учун астойдил «куйиб-пишади». Уларга кўчатлар кўчада, далада қолиб, увол бўлмайдими, иши йўқ, «кўкат»ли бўлиб қолса, бас. «Хўш, фалончидан шунча сўмдан бунча оласан, шунча ерга экасан», дейилади. Тамом, «топшириқ» бажарилади.

Бировнинг меҳнатига бировнинг ичи ачимаслиги бор гап. Инчунин, пулига ҳам. Маълум миқдордаги маблағ ҳисобига келтирилиб, тарқатилган кўчатлар манзилли, аммо мақсадсиз, яъни «маданий қатлам» ва «бетон» жойларга ҳам экиб ташланади. Маълумотларга кўра, бу йил 4 миллион тупдан ортиқ кўчат текин тарқатилиши кўзда тутилган. Кўрамиз, уларнинг неча фоизи кўкарар экан?.. Афсуски, буни билиш қийин-да!

Бели оғримаганнинг нон ейишини кўр, дейишади. Сиз пули куймаганнинг кўчат экишини кўрганмисиз? Шахсан мен, эрта баҳорда гектар-гектар лалмикор ерларга ёки ким неча километр масофадаги йўл ёқаларига экилган кўчатлардан саратондан сўнг «ном-нишон» қолмаганини кўрганман. Афсуски, бундан ҳеч сабоқ чиқарилмайди ва «ҳар баҳорда шу бўлар такрор...» такрор бўлаверади.

Аслида, лалмикор жойларда ҳам боғ-роғ яратса бўлади, яратганлар ҳам бор. Улар кўчатларни кўкартириб олиш учун керак бўлса, эшак-аравада сув ташийди. Кўчатларни меҳр билан парваришлайди. Негаки, улар ўз чўнтагидан пул тиккан: аниқ мақсад ва манфаат бор. Эртага боғ ҳосилга кирса, бири икки бўлади.

Кўчат экилгани билан иш битмайди. Яъни кейин қилинадиган ишлар ҳам кўп. Кўчат атрофини юмшатиш, бегона ўтлардан тозалаш, зараркунанда ва касалликларга қарши курашиш, минерал ўғитлар билан озиқлантириш, суғориш зарур. Афсуски, биз, кўпинча кўчатларни ўз ҳолича қолдирамиз.

Кўчатларнинг нобуд бўлишига яна бир сабаб бор. Бу – тўрт оёқли уй ҳайвонларининг «икки оёқли» эгалари! Шундай одамлар борки, улар молини, қўйини кўчат экилган майдонларда қачон бемалол, қачон яширинча боқишни жуда яхши билишади. Агар сурувни ҳайдаш ёки қайтариш учун таёқ зарур бўлиб қолса, бақувват кўчатни синдириб олишади.

Ўша гап: агар чиқим қилмаса, ичи ачимайди, пинаги бузилмайди.

**ЁҚИШДИ, СОТИШДИ...**

Кейинги вақтларда ҳавога чанг-ғубор кўтарилиши кўп кузатиляпти. Тошкент дунёдаги «энг тоза» шаҳарлардан бирига айланди. Қайсидир йили илгари ҳеч кузатилмаган ҳолат содир бўлди: чанг-ғубор икки-уч кунлаб «кўз очирмади».

Чўлланиш, чангли тўзонга «даво» – яшиллик! Бизда бор эди, шу яшиллик! Лекин биз нима қилдик? Нафсга қулчилик қурсин, биз ўз нафасимизни ўзимиз бўғишга, яъни кислород манбаи бўлмиш дов-дарахтларга қирон келтиришга шу даражада киришиб кетдикки, ерни сотиш ёки у ерга нимадир қуриш учун дарахтларни аёвсиз кесавердик. Оқибатда кўп шаҳарлар ўз кўркини йўқотди. Билганлар, кўрганлар билади, бир пайтлар Тошкент қанақа шаҳар эди-я? Бошқа шаҳарлар-чи?..



Маълумотларга кўра, битта дарахт йилига 120 килограмм кислород ишлаб чиқаради. Бир гектар майдондаги яшиллик 200 нафар одамни кислород билан тўлиқ таъминлайди. Бундан ташқари, дарахтлар турли даражадаги иссиқлик нури ва қуёш спектрини ютиб, ҳаво намлигини оширади. Кислородга бой, соя-салқин жойлар соғлиқ учун кони фойда.

Бир вақтлар юртимизда, ҳатто икки-уч кишининг ҳам қучоғи етмайдиган азим дарахтлар кўп бўларди. Ҳозир улар қолмади ҳисоб. Ўтин қилиб ёқишди, сотишди.

Иҳота, манзара ва соя-салқин бўлиши учун далалар ва йўлларнинг четига экилган неча йиллик қанчадан-қанча дарахтлар ҳам кесилиб кетди.

Сиз, «тутдай тўкилган» тутзорларни, тутларни кўрганмисиз? Азим садақайрағочлар, чинорларни-чи? Мен кўрганман!

Аминманки, сиз ҳам кўргансиз!

**БАРЧАСИ БАРЧАМИЗГА БОҒЛИҚ**

Тан олайлик, шу вақтгача кўчатлар экилишида кўзбўямачилик, ўзибўларчилик қилдик. Илгари кўчатлар тайёрлаш, етказиб бериш, қай бирини қаерга экиш, парваришлаш, авайлаб-асраш борасида аниқ тизим йўқ эди. Эндиликда тизим бор, масъуллар бириктирилган. Энди ҳаммаси ўша тизим ва масъулларнинг қай даражада ишлашига боғлиқ. Буни эса, тез орада билиб оламиз, ҳаммасини вақт кўрсатади.

Хулоса ўрнида яна бир гап: яшилликни меҳр билан парваришлаш ва сақлаш фақат масъулларга тегишли вазифа эмас. Агар яшилликка, ниҳолларга нисбатан юртдошларимизда ҳам муносабат ўзгармас экан, «Яшил макон» умуммиллий лойиҳаси яқин йилларда кун тартибидан тушмайди. Шуни унутмасак, бас...

**СЎНГ СЎЗ**

Тик туриб жон берадиган дарахтлар ва кўчатларни йиқитмасдан ҳам йўқ қилиш мумкинми? Мумкин. Бунинг учун уларни қаровсиз қолдириш кифоя.

**Алижон АБДУРАҲМОНОВ**
*«ISHONCH»*

*Реклама*

# «TOSHKENT UNIVERMAGI»

**акциядорлик жамияти бошқаруви ва касаба уюшма қўмитаси**




**Барча юртдошларимизни Тошкент вилояти, Бўстонлиқ тумани, «Чорвоқ» сув омбори қирғоғида жойлашган «Наврўз» дам олиш масканимизга таклиф этади. Ушбу масканда ёзги мавсумда 1000 нафарга яқин киши дам олиш имконияти мавжуд. Дам олувчилар 2 ва 3 қаватли корпуслар, шунингдек, коттежларга жойлашишлари мумкин. «Наврўз» дам олиш уйи Сизни кунгилли дам олишингиз учун кутади!**









***Мурожаат учун телефонлар: 71 233-50-23; 71 233-41-50.***

**МУАССИС:**

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

ISSN 2010-5002

*2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.*

«Ishonch» va «Ishonch-Доверие» gazetalari tahrir hay’ati:

Qudratilla RAFIQOV *(tahrir hay’ati raisi),*
Ulug‘bek JALMENOV,
Anvar ABDUMUXTOROV,
Sayfullo AHMEDOV,
Akmal SAIDOV,
Ravshan BEDILOV,
Qutlimurot SOBIROV,
Suhrob RAFIQOV,
Shoqosim SHOISLOMOV,
Hamidulla PIRIMQULOV,
Nodira G‘OYIBNAZAROVA,
Anvar QULMURODOV *(Bosh muharrirning birinchi o‘rinbosari),*

Mehriddin SHUKUROV *(Mas’ul kotib – «Ishonch»),*

Valentina MARSENYAK *(Mas’ul kotib – «Ishonch-Доверие»)*

Bosh muharrir
**Husan ERMATOV**

**Bo‘limlar:**
Kasaba uyushmalari hayoti – (71) 256-64-69
Huquq va xalqaro hayot – (71) 256-52-89
Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport – (71) 256-82-79
Xatlar va muxbirlar bilan ishlash – (71) 256-85-43
Marketing va obuna – (71) 256-87-73

**Hududlardagi muxbirlar:**
**Qoraqalpog‘iston Respublikasi –** (+998-99) 889-98-20
**Andijon viloyati –** (+998-99) 889-90-23
**Buxoro viloyati –** (+998-90) 080-93-38
**Jizzax viloyati –** (+998-99) 889-90-34
**Namangan viloyati –** (+998-99) 889-98-02
**Samarqand viloyati –** (+998-99) 889-90-26
**Sirdaryo viloyati –** (+998-99) 889-98-55
**Surxondaryo viloyati –** (+998-90) 379-19-70
**Toshkent viloyati –** (+998-99) 600-40-44
**Farg‘ona viloyati –** (+998-99) 889-90-24
**Xorazm viloyati –** (+998-99) 889-98-01
**Qashqadaryo viloyati –** (+998-99) 889-90-27

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart.
**Mualliflar fikri tahririyat nuqtai nazaridan farqlanishi mumkin.**

**Navbatchi muharrir:** G‘. Mirahmedov

**Musahhihlar:** U. Xudoyberganova, D. Ravshanova

**Sahifalovchi:** H. Abdujalilov

**Bosishga topshirish vaqti –**18:40
**Topshirildi –** 19:00

**Bahosi kelishilgan narxda**

**Manzilimiz:**
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy.
**E-mail:** ishonch1991@yandex.uz

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Nashr ko‘rsatkichi: **133**

**Umumiy adadi 35 131 та**
**Shundan:**
**7396 nusxasi** «Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasi – Toshkent shahri, Buyuk Turon ko‘chasi, 41-uyda;
**19 249 nusxasi** «Erudit» MCHJ bosmaxonasi – Samarqand shahri, Spitamen ko‘chasi, 270-uyda;
**8486 nusxasi** «Poligraf-Press» MCHJ bosmaxonasi – Marg‘ilon shahri, Turkiston ko‘chasi, 236-«b» uyda
**chop etildi.**

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.
**Buyurtma 280**

1 2 3 4 5 6